

Судланувчи ҳаракатларининг нотўғри квалификация қилиниши, суд қарорларини ўзгартиришга асос бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 2000 йил 12 декабрдаги ҳукмига асосан, судланувчилар Н. ва Х. лар ЖКнинг 273-моддаси 5 қисми билан судланган.

Жиноят иши материалларидан кўринишича суд Н. ва Х. ларнинг ҳаракатларини нотўғри квалификация қилган.

Иш бўйича аниқланган ҳолатларга қараганда Н. ва Х. лар «героин» гиёҳвандлик воситасини сотиш ҳақида жиноий тил бириктиришиб, 2000 йил 30 июль куни Гулистон тумани, Бешбулоқ жамоа хўжалиги ҳудудида 1.146 грамм «героин» гиёҳвандлик воситасини Б.Матмусаевга 6000 АҚШ долларига сотаётган пайтда вилоят ИИБ ходимлари томонидан ушланганлар. Ўзбекистон Республикаси ЖК 25-моддасининг 2-қисмида қасдан содир этиладиган жиноят бошланиб, 2 шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилиши кўрсатилган.

Ушбу жиноят иши бўйича қонуннинг бу талабига амал қилинмаган ҳамда ишда тўпланган далилларга, ҳукмда баён этилган ҳолатларга қараганда, Н. ва Х.лар 1.146 грамм «героин» гиёҳвандлик воситасини Б.Матмусаевга сотмоқчи бўлган пайтда, улар милиция ходимлари томонидан ушланганлар, бу пайтда «героин» гиёҳвандлик воситаси ҳам Б.Матмусаевнинг эгалигига ўтмаган, Н. ва Х. лар эса «героин» гиёҳвандлик воситаси учун Б.Матмусаевдан моддий қийматликлар олмаганлар, яъни жиноят охирига етказилмаган.

Бундай ҳолатда, Н. ва Х. ларнинг жиноий ҳаракатларини ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб бўлмайди.

Судлов ҳайъати Н. ва Х. ларнинг ҳаракатлари ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказилмаганлиги сабабли, жиноят содир этишга суиқасд деб ҳисобланишни ва ЖК 25,273-моддасининг 5-қисмига қайта квалификация қилинишни лозим деб топди.

Назорат иши ЖСХ-200-05

